

ИЖТИМОЙ МУАММОЛАР

Азиза ТЎРАЕВА

ОИЛАВИЙ МУҲИТ ВА УНИНГ ТАРБИЯВИЙ ТАЪСИРИ

**Қарши
«Насаф»
2006**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта махсус таълим Вазирлиги

Қарши Давлат Университети
фалсафа кафедраси

Қарши Давлат Университети ижтимоий-гуманитар фанлар услубий
Кенгашининг 2006 йил «___» _____ даги ___ сонли қарори билан
нашрга тавсия этилган.

Фалсафа фанлари доктори С. Чориев таҳрири остида

Тақризчилар:

ф.ф.н., доц. М.ЖАЛИЛОВ

ф.ф.н, доц. М. ЭШМАТОВ

Профессор Анвар ЧОРИЕВ
хотирасига бағишланади

К И Р И Ш

Республикамизда маънавий баркамол, жисмоний соғлом авлодни тарбиялашга катта эътибор берилмоқда. Бу – вазифани бажариш Ўзбекистонимизни келажакда ривожланган мамлакатлардан бирига айлантиришнинг муҳим шартидир. Буюк давлатнинг пойдеворини соғлом авлодларгина барпо этади.

Ҳар томонлама етук соғлом авлодни шакллантиришда оила-нинг ўрни муҳим ва бетакрордир. Инсон баркамоллигининг дастлабки асослари ҳам оилада шаклланиши шубҳасиз. Жамият мус-таҳкам, маънавий ва ахлоқий жиҳатдан соғлом оиладан манфаат-дордир. Шу сабабли ҳукуратимиз оилани мустаҳкамлашни, болалар тарбияси, шунингдек, ижтимоий турмуш шароитларини яхшилашда ёрдам беришни давлат аҳамиятига молик иш деб билади. Республикамиз раҳбари И.Каримов «Фидокор» газетаси муҳбири саволларига берган жавобларида қуйидаги фикрларни айтган эди: «... Оила ва мафкура масалалари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Оиланинг жамиятдаги ўрни, тарбиявий-ахлоқий аҳамияти, кадр-қимматини англаб етмасдан, оилага миллат манфаати нуқтаи назаридан ёндашмасдан туриб халқчил мафкура ярата олмаймиз»¹.

Мамлакатимиз раҳбарининг бу фикрларида чуқур фалсафий мазмун бор. Миллий ғоя ва миллий мафкура ёшларнинг онгига сингиб, фаолиятига мақсад ва йўналиш берувчи маънавий омилга айланишида оилада ота-она берган тарбиянинг ўрни ғоят муҳимдир. Шу боис оила ва жамият муаммоларини, муваффақиятларини айрича тасаввур қилиб бўлмайди.

Қўлингиздаги ушбу рисолада оиланинг жамият ҳаёти ва ривождаги ўрни, унинг мазмуни, таркиби, функциялари билан бир қаторда бугунги

¹ Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустақкам иродасига ишонаман. // Фидокор.- 2000.-8 июнь.

бозор муносабатлари шароитида оиладаги эркак ва аёл ижтимоий функцияларининг ўзгариб бораётганлиги, оиланинг тарбиявий таъсирини ошириш муаммолари хусусида баҳоли қудрат фикр юритилади.

1-§. ОИЛА, УНИНГ МАЗМУНИ, ФУНКЦИЯСИ ВА ТАРКИБИ

«Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилининг мазмуни ҳақида фикр юритар эканмиз, энг аввало фуқаролик жамиятини дастлабки ижтимоий институти оила эканлигини эътироф этмасдан иложимиз йўқ. Чунки жамиятнинг асосий бўғини бўлган, давлат қудратининг манбаи ҳисобланган оила бундай жамиятга хос асосий хусусият ва тамойилларни ўзида мужассам этади, миллий қадриятлар асоси бўлган ахлоқ, юриш-туриш, меҳнат малакалари, эстетик дид айнан оилада сингдирилади.

Шунинг учун ҳам оила ва унинг муқаддаслигини таъминлаш – халқ, давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Оила ҳар бир халқнинг, миллатнинг сулоланинг давомийлигини, унинг ривожини таъминлайдиган маскан. Ўз моҳиятига кўра ҳар бир миллат ўзига хос хусусиятларга эга. Шарқда оила тушунчаси, оила қуриш, никоҳ, қариндош-уруғлик муносабатлари муқаддас ҳисобланади. Бунда ўзаро ҳурмат, камтарлик, оила-аъзолари, қариндош-урушлари соғлиги, турмуш фаровонлиги учун қайғу-риш алоҳида ўрин тутди.

Бизга маълумки, оила ижтимоий тузилма сифатида бир қатор функцияларни – репродуктивлик, нуклеарлик, хўжалик юритиш, мулоқот функцияларини бажаради. Шунингдек, оила жамият ҳаётига таъсир этувчи яна бир қатор функцияларга эгаки, булар бола тарбиялаш, уй-рўзғорда меҳнат қилиш, ўз аъзоларининг жисмоний эҳтиёжларини қондириш вазифаларидир.

Оиланинг репродуктив функцияси хусусида фикр юритадиган бўлсак, аввало оила қуриш орқали авлодлар ворисийлиги ва давомийлиги таъминланади, тарихий тараққиёт амал қилади, насл сақлаб қолинади.

Иккинчи нуклеарлик функцияси ҳам бажаради. («нуклеар» латинча сўздан олинган бўлиб, «ядро» деган маънони англатади). Бу функция оиланинг кўп бўғинлилигини ифодалашда намоён бўлади.

Ўзбек оиласи бошқа халқлар оиласидан анча фарқ қилади. Кўпинча, ўзбеклар оиласида бир нечта авлод аъзолари бирга ҳамжиҳатлик билан истиқомат қилишади. Ана шундан келиб чиққан ҳолда унинг тузилиши мураккаблашиб боради: бува ва буви (катта авлод вакиллари), ота ва она (иккинчи авлод намоёндалари), катта-кичик фарзандлар (учинчи бўғин аъзолари) неvara ва эваралар (тўртинчи авлодга мансублар) кабилар.

Учинчидан, оилада биргаликда иқтисодий-молиявий хўжалик фаолияти юритилади. Ҳар бир оиланинг ўзига хос хўжалик (томорқаси, довдарахтлари, паррандаси, чорва моллари ва бошқалар) ҳамда унинг бюджети мавжуддир. Хўжалик юритиш, асосан, оила бошлиғи томонидан тузилган режага суянган ҳолда (бир неча бор муҳокамалардан сўнг кучга кириш эҳтимоли мавжуд) амалга оширилади. Ана шундан келиб чиққан ҳолда хўжалик юритишга айрим тузатишлар ва ўзгаришлар киритиб борилади. Оила бюджетидagi маблағни тежамкорлик билан оқилона сарфлаш – асосан эр-хотин зиммасидаги вазифадир.

Тўртинчидан, оилада кишилар билан тўғри муомала ўрнатиш, одабийлик сифатларини шакллантириш, дунё воқеаларидан бохабар бўлиш имкониятлари ҳам мавжудки, булар мулоқот функцияси орқали амалга оширилади.

Бизнинг халқимизга хос болажонлик, серфарзандлилик фазилати ҳам ноёб ҳисобланиб келинган. Кўп болали оилалилар ҳурмат билан тилга олиниб, уларга давлат томонидан турли имтиёзлар берилган.

Республикаимиз мустақилликка эришганлиги муносабати билан қабул қилинган кўпгина қарор ва йўл-йўриқларда янги оилалар-нинг шаклланиши юзасидан моддий ва маънавий ғамхўрлик қилинаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Оилаларга бўлган муносабат жамоатчиликнинг ҳам диққат марказида эканлиги мазкур масалага бўлган қизиқишларни кучайтирмоқда. Турли миллатларга мансуб оилалар кўпаймоқда, ўзаро ассимиляция жараёни кучаймоқда.

Ҳомиладор, кўп болали, ёлғиз оналарга ёрдамни ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишдан ташқари мустақил-ликдан сўнг болалар соғлиги ҳақидаги ғамхўрликни ошириш мақсадида «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилди.

Умуман олганда, жамият томонидан қабул қилинган барча қарорларда оилаларга ёрдамни кучайтириш асосида унинг ўсиб келаётган ёш авлод тарбияси учун жавобгарлигини ҳар томонлама камол топтириш тадбирлари белгиланди.

Меҳнаткашлар турмуш фаровонлигини эса кўп болали оилалар шаклланишининг омили сифатида эътироф этиш мумкин. Собиқ иттифоқ даврида «оилани режалаштириш» лойиҳаси халқимиз томонидан нохуш кайфиятда кутиб олинганлигини эслаш билан бирга бугунги кун ёш оилаларда фарзандларни 1-2 тадан оширмаслик истаги мавжудлигини эътироф этиш лозим. Ўтган 20-25 йил ичида ёшларимиз дунёқараши тубдан ўзгарди, цивилизация ютуқларидан фойдаланиш имкониятлари тобора кенгаймоқда. Дунё ёшлари турмуш тарзига ошкора ҳавас, фарзанд кўришни вақтинча хоҳламовчи, кам фарзандлиликка ўтиш ҳолатлари юзага келмоқда.

Ўрта Осиё Республикаларида ҳам кўп болали оилаликдан 3-4 та ва ҳатто битта-иккита болаликка ўтиш жараёни содир бўлмоқда. Агар бунинг олди олинмаса, келажакда меҳнат ресурс-лари борасида қийинчиликка дуч келишимиз ҳеч гап эмас. Бундай кутилмаган ҳолатнинг олдини олиш учун қабул қилинаётган қарор, йўл-йўриқ ва ғамхўрликларнинг ўзи етарли эмасга ўхшайди. Мазкур масала юзасидан мунтазам иш олиб бориш мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий режаларини тузишда оилавий муаммоларни қамраб олувчи тадбирларни белгилаш ва ҳатто ислом динининг ёрдамидаги фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Чунки келажакда биз қанча бўлишимиз ҳақида жиддий қайғуришимиз шарт. Демографларнинг ҳисоб-китобига кўра аҳоли сонининг ўсишини

таъминлаш учун ҳар бир 100 оилага 260-300 та бола тўғри келиши керак¹. Бунда ҳар бир оиланинг шахсий қизиқишларини ҳам инкор этиб бўлмайди. Тарбиявий жиҳатдан ҳаётий қоида мавжуд, яъни оилада 3-4 фарзанднинг бўлиши оила ва болаларнинг тўлақонли, ахлоқан пок, жисмонан бақувват, ақлан етук бўлишини таъминлайди. Шу сабабли якка бола билан чекланиш бизнинг миллатимиз, республикаимиз аҳолиси учун камчилик ҳисобланади. Шу фикрларни ҳисобга олган ҳолда жамият аъзоларининг эътиборини оилада 3-4 болани режалаштиришга қаратиш ва бунда лозим бўлган барча воситалардан фойдаланишни таклиф этиш лозим. Айниқса, бу масалага янги оила қурувчи ёшларни жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

2-§. БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ШАРОИТИДА ОИЛАДАГИ ЭРКАК ВА АЁЛ ИЖТИМОЙ ФУНКЦИЯЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ

Оила ижтимоий тузилма сифатида бир қатор функцияларни бажариши тўғрисида муайян тасаввурга эгамиз. Шундан келиб чиққан ҳолда оиладаги эркак ва аёлнинг алоҳида ўзига хос функциялари нимадан иборат, деган ҳақли савол туғилиши табиий.

Шарқ халқларининг кўпчилигида, жумладан, бизнинг ўзбекларда ҳам эркаклар хонадон бошлиғи ҳисобланадилар, шу боис эркакларнинг фундаментал функцияси оилани моддий жиҳатдан таъминлаш ҳисобланади. Шунингдек, оиладаги маънавий-маиший муаммоларни ҳал этиш ҳам асосан эркакнинг зиммасида.

Бозор муносабатлари шароити бугунги оила бошлиғини бир оз шошириб, бир оз гангитиб қўйдики, бу ҳолат айниқса ўтиш даврининг

¹ Мунавваров А.К. Оила педагогикаси. -Т.: 1994. -107 б.

қийинчиликлари билан боғлиқ. Ўз маошларини вақтида ололмаётган эркаклар яна бир қўшимча функцияга – тасодифий реакцияларга тайёр туриш функциясини ҳам бажариши лозим. Нохос юз берадиган кўнгилсизликлар (айтайлик, оила аъзоларидан биронтасининг тўсатдан соғлигини йўқотиши, кутилмаганда юз берадиган ўртача даражадаги меҳмон кутиш ҳолатлари) рўзғор-ғорнинг маош олинishiдан анча кун олдин бўшаб қолишига сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолат эса эркакка пул топиш учун янада кўпроқ жон куйдириш вазифасини юкламоқда.

Ташқи таъсир факторлари кўпайиб кетганлиги боис, эркак яна бир муҳим функциясига – ўғил бола тарбиясига масъул эканлигини баъзан унутиб қўяётган бўлса, баъзан эса бунга вақт орттиролмапти.

Кўп оилаларда шуни кузатишимиз мумкинки, аксар ҳол-ларда она окила ва ширин сўз бўлса, қизлар ҳам яхши тарбия топадилар. Эркак ақли, уддабурон бўлгани ҳолда ўғилнинг эркатой, ноқобил бўлиш ўсиши, ҳаётда ўз ўрнини топишга қийналиш фактлари учраб туради. Бу эса оилада, теvarак-атрофда ўғил бола тарбиясида ижтимоий назоратнинг сусайиб кетганлигидан дарак беради.

Аёлнинг оиладаги фундаментал функцияси эса бола туғиб-тарбиялаш, рўзғор юритиш, оила маблағларини, оила бюджетини оила аъзоларининг эҳтиёжларига қараб тўғри тақсимлай билиш ҳисобланади.

Шунингдек, фарзандлар онги ва хатти-ҳаракатида орас-талиқ, чеварлиқ, эстетик дидни шакллантириш, меҳнаткаш ва хушхулқ қилиб тарбиялаш ҳам онанинг вазифаларидир. Шу билан биргаликда ҳар иккала жинс вакиллари учун оилада юзага келган, юзага келиши мумкин бўлган низоларни олдини ола билиш функцияси ҳам мавжуд.

Яқин-яқингача ўзбек оиласида мавжуд бўлган бир ҳақиқат шунда эдики, унда бола шахсини шакллантириш, ақлан, руҳан, жисмонан соғлом қилиб тарбиялашда онанинг ўрни катта эди. қисқаси, оиланинг маънавий таъминотининг маълум қисми аёлнинг зиммасида. Ота боланинг тарбияси

билан бевосита шуғулланмай, балки кўпинча она тарбия жараёнида ота шахсидан фойдаланар эди. Масалан: оналаримиз «отангга айтаман», деб биз фарзанд-ларни ёмон ишдан қайтарар, «отангга қандай айтамыз?» деб қилган ишимизнинг ёмонлик даражасини англатар ва бу билан бизга отамизнинг таъсир кучини оширар эди. Фарзандини тарбиялашда онага отанинг шахси, обрўйи кўл келар эди. Ота эса тарбия жа-раёнига фавқулодда ҳолатларда, ёки боланинг қилмиши «газак» олганда бевосита аралашган. Бунгача бўлган жараён она орқали бошқарилар эди.

Бугун ҳам оилада отанинг шу мавқеини йўқотмаслик, миллат, халқ ва жамият тақдирига бефарқ эмаслигимизни кўрсатади.

Ижтимоий тараққиёт ва бозор муносабатлари эркак ва аёл-нинг биз юқорида санаган функцияларини алмашинувини келти-риб чиқармоқда.

Бугун ўзбек аёли оилада ҳукмронликни даъво қилмоқда. Янги келинчаклар, ёш оналарнинг оилада гегемонликка интилиши, ўз фикрини эрига ўтказишга ҳаракат қилишини нормал ҳолат деб бўлмайди. Эрини болалари олдида изза қилувчи, ҳатто болаларини отаси айтганини бажармасликка ундовчи аёллар, афсуски, кўпайиб бормоқда.

Бозор иқтисодиёти қийинчиликларини рўқач қилган баъзи аёллар эса қўлларида кўша-кўша жамодонлару, қонларни елка-ларига ортиб бошқа шаҳарлар, ҳатто чет давлатларга бориб тижорат билан шуғулланмоқда. Бугун ўзбек оиласининг энг оғир фожеаси – аёл мардикор бозорга чикди. Рўзгор юкини елкасига ортмоқлаган аёл уйга қайтганидан сўнг ҳам ярим тунгача иккинчи иш куни билан машғул бўлади. Цивилизация шу даражага етдики, она ўз боласига хайрли тун тилашга, унга кичкина бир эртак айтиб беришга вақт орттиролмапти.

Эркакларнинг вазифаларини бажариши баробарида аёлнинг характерида ҳам эркаклашув белгилари юзага келмоқда. Дағал-лашув, ҳиссизлик, ҳаттоки, сўқинишга мойиллик белгилари сезил-моқдаки,

натижада қизларимиз эркаксимон, ўғилларимиз қизсимон бўлиб ўсиши хавфи юзага келяпти.

Аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллашуви, унинг оилавий муносабатларига таъсир этишувига олиб келиши мумкин бўлган муаммолар келиб чиқмоқда, айниқса бошқарув тизимидаги аёл салоҳияти ва унинг бу мавқеининг шахсий фазилатларига таъсири масалалари сезилмоқда, бу жараёнда шахсий фазилатларда аёллик фазилатлари (назокатлилик, ширин сўзлилиқ...) дан воз кечиб, эркаклик фазилатлар (қатъиятлилиқ, қаттиққўллиқ, тутган жойидан кесишга интилиш...)ига эришиш лозимлиги кўринади, йўқса иш фаолиятида самара камдек туюлиши мумкин.

Аёлнинг асосий вақти оила бюджетига ҳисса қўшишга сарфанаётганлиги боис, фарзандлар тарбияси ўзига яраша бўлиб қолиб, кўпгина нохушлиқлар вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Болаларнинг шахсий муаммоларига бефарқлик, унинг ички дунёси, манфаатлари, қизиқишларига нисбатан лоқайдлик она ва бола ўртасида бегоналашув жараёнини келтириб чиқармоқда.

Эркаклар оилада ўз функцияларини муносиб бажариши учун уларнинг муаммоларини аниқлаш ва ҳал қилишга ҳаракат қилмоқ лозим. Мутахассисларнинг фикрича, бугун Ўзбекистонда эркаклар аёлларга нисбатан ўртача ҳисобда 5-8 йил кам умр кўришяпти. Чунки уларнинг организми жисмонан бақувват бўлса-да, маъ-навий-маиший муаммоларга, қийинчиликларга нисбатан чидам-сиз. Шунингдек, улар руҳан тушкунликка тушганида, турли шахсий муаммоларга дуч келганида уларни бирлаштириб турувчи марказ-лар, ҳимоя қилувчи ташкилотлар йўқ. Оталари, акалари билан гаплашиш ноқулай ва ёқимсиз бўлган мавзуларда дардкаш тополмай қийналишади, махсус маслаҳатхоналарга, етук психо-логларга эҳтиёж сезишади.

Аёлнинг ютуқларини тарғиб этувчи, муаммоларини ҳал қилишга кўмаклашувчи кўплаб газета-журналлар, махсус кўрса-тувлар бўлгани ҳолда,

эркаклар бу каби эътибору имтиёздан маҳрум. Аёллар куни дунё бўйича нишонлангани ҳолда эркаклар бундай алоҳида илтифотдан ҳам бебаҳра.

Оила бошлиғи сифатида уларнинг бурчлари кўп, ҳуқуқлари чекланган. Баъзан оилавий ажрим ҳолатларида оналар фарзанд тарбияси билан шуғулланишга нолойиқ бўлса-да, суд ҳукми билан фарзандлар оналарга берилади.

Устига-устак эркакнинг ишхонасида раҳбар аёл киши бўлса, у икки ҳисса сиқилишга мажбур. Уйда ҳукмфармон хотин, ишда яна бир ноҳуш ҳолат – кўнгилсиз бўйсунув.

Хуллас, оиланинг жамият ривожига салмоқли улушини таъминлаш учун бир қатор муаммолар ўз ечимини кутмоқда. Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов «Соғлом авлод тарбияси – бар-чамизнинг инсоний бурчимиз» номли мақоласида «энди вояга етаётган болалар, авваламбор қизларимиз онгида эртага мен она бўламан, ўғилларимиз онгида эртага мен ота бўламан, деган фикр, масъулиятни шакллантириш керак» деган эди.

Бунинг учун эса, энг аввало, оила соғлом маънавий муҳитга эга бўлиши, эр-хотин маънавий жиҳатдан бир-бирига муносиб бўлиши лозим. Аслида маънавий тенгсизлик ижтимоий тенгсиз-ликнинг бир бўлаги ҳисобланади. Оила муҳити меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат, тинч-тотувлик – энг аввало оиланинг маънавий дунёсига бориб тақалади. Маънавий камолотсиз моддий фаро-вонликка эришиш қийин, негаки, нотинч хонадондан файзу-барака тез кўтарилади. «Бир кун жанжал чиққан хонадондан қирқ кун кут-барака кўтарилади», деганлари рост.

Табиат аёлни зоҳиран эркакка тобе қилиб яратган бўлса-да, ботинан эркак аёлга тобедир. Аёл фақат фарзандининг тарбиячи-сигина эмас, балки эрининг ҳам тарбиячисидир. «Эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам хотин» деган ўзбек мақоли, Анатолий Францнинг «Аёл эркакни тарбияловчи инсондир» деган фикри билан уйғунлашиб кетади.

Бу фикрларни эсга олишимиздан мақсад, фарзандларимиз, қизларимиз тарбиясига алоҳида масъулият, айрича меҳр билан ёндашмоғимиз керакки, жамият аҳамиятидаги вазифа бу. Чунки аёлларимиз фикри, дунёқараши, хатти-ҳаракати эркакларимиз фаолияти, жамиятдаги ўрни учун таъсир кўрсатиши билан бирга қизларимизнинг келажаги учун бизнинг ҳар бир босган қадамимиз ўрнатқ бўлиши, сабоқ бўлишини унутмаслигимиз лозим. А.Фитрат ўзининг «Оила ёки оила бошқариш тартиблари» асарида таъкидлашича, «оналар тақдири қизлар тақдирида такрорланур».

Шундан кўринадикки, аёлнинг билиб-билмай қилган хатоси, гуноҳи фарзанди – қизлар келажагига таъсир қилиши, қайтари-лиши мумкин экан. Демак, ниҳоятда тарбияли, муносиб она бўлишга интилмоғимиз даркор.

Хўш, она кўпроқ уйда фарзандлар тарбияси билан машғул экан, оиланинг асосий иқтисодий-молиявий ҳаражатлари учун эркак масъуллиги аниқ. Шунинг учун ҳатто эшикка оддий қулф ўрнатишга ҳам ўқувчи йўқ эркакларнинг янги авлоди шаклланиши хавфи вужудга келган бугунги кунда фарзандларимизни касб-корли, меҳнаткаш, ўқимишли ва уддабурон бўлишларини таъминлаш мақсадида эр-хотин биргаликда уларда энг юксак инсоний туйғуларни шакллантиришга ҳаракат қилмоғимиз, ижтимоий мўлжални тўғри олишга, маданий идеални қарор топтиришга кўмаклашмоғимиз лозим.

Шунингдек, эркакларнинг оиладаги мавқеини кўтармоқ учун уларнинг дардини тинглайдиган шифокорлар, педагог-психологлар мулоқотларини уюштириш, уларни бирлаштириб турадиган қандайдир ташкилотлар, марказлар тузиш ҳақида ўйлаб кўриш керак.

Чунки одатда, қизлар билан саломатлик юзасидан, оилавий ҳаёт сабоқлари хусусида профилактика ишлари олиб борилади-ю, йигитлар кўпинча унутилади. Айниқса, талаба йигитлар турмуш шароитида энг оддий гигиена қоидаларига риоя қилмаслик, вақтида овқатланмаслик, сурункали ва наслий касалликлар, зарарли одатлар – спиртли ичимликлар ичиш, чекиш,

тасодифий жинсий муноса-батлар оқибатида кўп касалликлар келиб чиқиши мумкин ва уларнинг олидини олиш ғоят муҳимдир.

Шунингдек, яна олий ўқув юртларида ҳам «оила этика» деб аталган махсус фанни мутахассислар ўғил-қизларга алоҳида-алоҳида ўтишлари даркор.

Немис файласуфи И.Кант ўзининг «Гўзаллик ва юксаклик туйғуларининг ўзаро муносабати» асарида таъкидлашича, аёллар гўзаллик рамзи бўлса, эркеклар юксаклик рамзидир, деб ёзади. Кантнинг хулосасига кўра, ҳар бир жинс вакилининг ўзига хос қобилияти бўлиб, бу қобилият унга табиат томонидан инъом этилган бўлади. Уни алмаштириш Яратганнинг тартибларига шак келтиришдир.

Шунинг учун ҳам улуғ рус ёзувчиси Лев Толстой «Бўйнига фартук боғлаб кир юваётган эркекни кўрганимда аёлдан жир-канаман», деган экан.

Хулоса қилиб айтганда, жамиятимиз истиқболини, мила-тимиз тақдири ҳақида қайғурар эканмиз, энг аввало оила билан боғлиқ бўлган муаммоларни ечишимиз керак. Ана шундагина биз кўзлаган чўққиларни забт этишимиз мумкин.

§ 3. ОИЛАНИНГ ТАРБИЯВИЙ ТАЪСИРИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Оилани бошқариш жамият ҳаётини бошқаришнинг бир шакли ҳисобланади. Оила аъзолари ўртасидаги яқинлик, ишонч, ҳурмат, самимийлик, бир-бири олдидаги бурч ва масъулиятни ҳис қилиш, талабчанлик, мулойимлик фарзандларнинг ички дунёси шаклла-нишига таъсир этадиган руҳий омиллардандир. Жамият ривож-ланиб, маънавий омилларнинг ижтимоий тараққиётдаги ўрни ва аҳамияти ортгани сари оиладаги тарбияга эътибор ҳам кучая боради. Бу борадаги муҳим вазифалардан бири оиладаги маънавий муҳитни барқарорлаштириш, ота-оналарда фарзандлар олдидаги, фарзандларда ота-она ва жамият олдидаги

бурч ва масъулият туйғусини кучайтиришдир. Бундай муҳитни яратишда жамият, давлат, жамоатчиликнинг ўрни катта. Агар жамият, давлат, жамоатчиликнинг таъсири етарли бўлмаса, оиланинг фарзанд тарбияси борасидаги ўрни ҳам заифлашади. Шу сабабли ҳозир жаҳондаги барча демократик, дунёвий давлатларда оилани мус-таҳкамлаш, унинг тарбиявий имкониятларини яхшилаш, хотин-қизлар, болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, маънавий ва жисмоний соғлом авлодни тарбиялаш муаммоларига катта аҳамият берилмоқда.

Бугунги кун ўзбек оиласининг тарбиявий таъсирини оширишда оиланинг кўп бўғинлилигига кўпроқ суяниш даркор.

Кўп болали оилалардаги тарбиянинг ўзига хос хусусият-ларидан яна бири шуки, бундай оила болалар жамоасининг маркази, асосий тарбия воситаси эса ота-онанинг намунаси, уларнинг хулқи, одоби, бир-бирларига бўлган илиқ муомаласи, оиладаги, ишлаб чиқаришдаги ҳалол жисмоний меҳнатларидир. Ота-оналарнинг кишиларга бўлган ҳурмати ва иззати, уларнинг ахлоқ ва одоблари, ҳалолликлари болалари тарбиясида ўчмас из қолдиради. Шу боис оиладаги ота-оналар ва катта ёшдаги кишиларнинг обрўси ва шахсий намуналари тарбиявий таъсир самарадорлигини белгиловчи омилдир.

Ота-она обрўси бутун ҳаёт давомида кундалик ибратли хулқи, ахлоқи, интизоми, камтарлиги, ишбилармонлиги билангина қўлга киритилади. Ибрат-намуна ҳар қандай панду-насихатдан, дўқ-пўписадан кўра кучлироқ таъсир кўрсатувчи тарбиявий усулдир. Ибрат-намуна, заҳмат, чин эзгу-ният эвазига юзага келган обрў ҳақиқий обрў ҳисобланади. Оилада тарбия ишини муваффақиятли амалга ошириш учун ота-она тинмай ўзларини тарбиялаб боришлари керак. Ўзларида етишмайдиган сифат ва фазилатларни тўлдириб, мавжуд иллатларни батамом тугатишлари лозим.

Чунки ота-оналарнинг тарбия жараёнидаги истеъдоди — бу фарзандларга нисбатан муҳаббат ва садоқатдан иборатдир.

Тадқиқотчилар фикрига, бугунги кунда оиланинг тарбиявий таъсири пасайиб кетишига оилада содир бўлаётган бир қатор камчиликлар сабаб бўлмоқда.

Масалан: Ота-оналарнинг баъзиларида фарзандлар билан мулоқотга киришиш истагининг мавжуд эмаслиги, ота-оналар билан фарзандлар ўртасига ўзаро тушунишнинг йўқлиги ва унга икки томонлама интилишнинг етишмаслиги, ота-оналарнинг билим савияси ва маданий даражаларининг паст эканлиги, оилада яхши анъаналар, қадриятларга амал қилинмаслиги, оила муҳитида адолатсизликнинг ҳукм суриши, оила даврасида доимий жанжал-ларнинг қарор топганлиги ва уларга камайтириш учун инти-лишнинг йўқлиги ва ҳақозо сабаблар.

Юқорида кўрсатилган камчиликлар, иллатлар оила муҳитида илдиз отмаслиги учун нималар қилмоқ даркор ёхуд оиланинг тарбиявий таъсирини оширмоқ учун қандай муаммоларни ҳал қилмоқ даркор?

Оиланинг заифлашиши, фарзанд тарбияси билан боғлиқ бўлган маъсулиятли вазифаларни бажариш оғирлишиши жамият ҳаётидаги иқтисодий қийинчиликлар билан ҳам боғлиқдир. Шу сабабли оилани мустаҳкамлаш кишиларнинг маънавияти билан боғлиқ эканини эътиборга олиб, моддий турмуш шароитлари оғирлашиши ҳам бу жараёнга салбий таъсир этаётганини асло эътибордан четда қолдириб бўлмайди.

Бу ўринда энг қадимги маданий обидалардан бўлмиш «Авесто»нинг «Ясна» бўлишидаги 33, 3 бобларида айтилган қуйи-даги ҳикматли, ибратли фикрларга ҳам эътибор бериш керак: Еб-ичмайдиган одамларнинг тоат-ибодат қилишга кучи бўлмайди, эр-хотинлик вазифасини адо этишга қувватлари етмайди...

Ёмон овқатланган халқ на яхши, кучли ишловчиларга ва на соғлом, бақувват болаларга эга бўлади...

Ёмон овқатланишдан ахлоқ, одоб ҳам айниб кетади. Агар нон мўл-кўл бўлса, муқаддас сўзлар ҳам яхши қабул қилинади.

«Авесто»даги бу сўзлар «қорни очга куруқ гап ёқмайди» ўзбек мақола билан ҳамоҳангдир.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда республикамиз раҳбарияти оналарга, болаларга, кўп фарзандли оилаларга катта моддий ва маънавий ёрдам кўрсатаёпти, инсонпарварлик тамоилига таяниб, бу борада кўп хайрли ишларни амалга оширмоқда. 2006 – «Ҳо-мийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилинишида ҳам чуқур маъно ва мазмун бор.

Турли хил касалликларнинг, хусусан камқонлик, юрак, қон-томир, ошқозон, жигар, буйрак касалликлари чалиниш хавфи кўпайиб бораётганлиги ҳам жуда ташвишли ҳолдир. Яқин қариндош ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари ҳам сезиларли эканлигидан кўз юмиб бўлмайди. Ногирон болалар учун дав-латимиз томонидан ҳар йили юз миллионлаб сўм миқдорида нафақа пули берилмоқда. Агар оиладаги маънавий муҳит барқарор бўлмаса, ота-оналарни соғлом авлодни тарбиялаш борасидаги масъулияти кучаймаса, бу борадаги кўзланган мақсадларга эришиб бўлмайди.

Оиланинг тарбиявий таъсирини ошириш ҳақида сўз юритар эканмиз, ота-она боланинг истеъдоди ва қобилиятини билиш ва рўёбга чиқаришга ҳам алоҳида эътибор бериши лозимлигини ҳеч қачон унутмаслиги керак.

Истеъдод, қобилият қирралари билим, ахлоқ ва одоб билан боғланиб шаклланса, нур устига аъло нур бўлади.

Иқтидор учкунни йилт этган гўшага пайғамбар назари тушган дейдилар. Гўшада йилтиллаган ёғду оламни ёритмоғи учун унга нажот илкини узатмоқ даркор. Туғма истеъдоднинг соҳиби бир соҳада ажойиб қобилиятларини намоён этса ҳам кўпинча ўзининг нималарга қодирлигини яхши англамайди. Шу сабабли ота-оналар боланинг истеъдоди, қобилиятини аниқлаб, тарбияни асосан шу йўналишда мақсадли олиб бориши керак, хожа Самандар

Термизий айтганидек, «одамларни отасининг хизматлари туфайли эмас, ўзларида бор бўлган қобилиятига асосланиб тарбиялаш лозим»¹.

Маънавий қашшоқлик замон фожеаси сифатида эътироф этилаётган бугунги кунда баъзи ота-оналар боланинг қизиқиши ва лаёқатига эмас, балки таниш-билишлари бор бўлган, чўнтаги тўғри келган соҳага мажбуран ўқишга, ишга жойлаштираётганларида Самандар Термизийнинг юқоридаги фикрини эсга олсалар, фарзандлари оиласига ҳам, давлатга, жамиятга ҳам фойда келтирадиган бўлиб ўсишлари эҳтимоли кўпроқ бўларди.

Ота онага жамиятнинг бошқа ижтимоий институтлари-боғга, мактаб, турли хил тўғараклар, спорт уюшмалари яқиндан ёрдам беришлари лозим. Фарзандларимиз онгида маданий идеал туйғуси тўғри шакллантирилса, ижтимоий мўлжал (позиция) оқилона йўналтирилса, болаларда ўз меҳнатидан фахрланиш, профессионал ғурур туйғулари ҳам юзага келади. Ижтимоий мўлжал тўғри олинса, у нафақат оила фаравонлиги учун, балки миллат келажаги, жамият равнақи учун ҳам хизмат қилади. Зеро, ижтимоий мўлжал миллатни тарбияга солади, уни бало-қазолардан сақлайди.

Шаклланаётган миллий истиқлол мафкурамизнинг бош ғояси озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш-назаримда мустақилликнинг ҳозирги босқичида республикамизнинг юарча фуқарорлари учун асосий ижтимоий мўлжал бўлади.

Ҳар бир оиланинг рўзгор юритиш, меҳмон кутиш, кўни-кўшнилар билан муносабатда бўлиш, меҳнат қилиш, дам олиш, бола тарбиялаш борасида ўзига хос анъаналари бор. Фарзандлар бу анъаналарга ҳам риоя қилиши керак.

Яхши оилавий анъаналар мерос сифатида авлоддан-авлодга ўтиб, катта ҳаётий мактаб ва тарбия омили бўлиб қолишига эришмоқ лозим.

Ака-укалар, опа-сингилларнинг аҳил, бамаслаҳат иш тутиши, қариндош уруғлар билан иноқ, ҳамжихат бўлиши ота-оналар орзусидир.

¹ Одоб быстони ва ахло= гулистони. Т.- 1994.

Ислом динида ҳам қариндош-уруғлар билан яқин, аҳил, самимий муносабатда бўлиш энг савобли ишлардан бири сифатида қаралган. «қариндошлар билан яқин муносабатда бўлиб, ҳол-аҳвол сўрашиб туриш- бу савоби тегадиган хайрли ишлардан. қариндошлардан узилиб кетиш эса жазоси тез билинадиган ёмон ишлардандир», дейилади ҳадисларда.

Нон, буғдой, доннинг азизлиги, табарруклиги ҳаммамизга маълум. Доннинг бир донасини беҳуда сарфлаш ҳам ниҳоятда увол. Хусусан, «Авесто»да ака-сингил ўртасидаги меҳр-оқибат ҳақида гапирилиб, шундай дейилади:

«Дон экилган буғдойзорни босиб ўтиш фақат бир киши учун- синглисини кўргани бораётган ака учун кечирилади», деган мазмундаги фикрлар бор. Булардан кўриниб турибдики, ака-сингил ака-ука, опа-сингил ўртасидаги меҳр-оқибат юксак қадриятдир. Уларни бир-биридан ажратишга, ёвлашишга, низолар келиб чиқаришга ҳаракат қилган кишининг гуноҳи эса энг оғир гуноҳдир.

Ҳадисларда шундай ибратли сўзлар бор: «Отангиз вафотидан кейин унинг дўстлари билан алоқани давом эттиринг, улар билан алоқани узсангиз, тангри сизнинг нурингизни ўчиради». Ота дўстлиги меросгина эмас, балки давом этиши лозим бўлган анъанадир, қадриятдир. Бу анъана давом этиб, янги авлодлар ўртасида ҳам самимий, дўстона муносабатлар шаклланишига олиб келади.

Хуллас, оиланинг тарбиявий таъсирини ошириш учун бир қатор муаммоларни бартараф этиш зарур. Оиланинг моддий аҳволини яхшилаш, аъзоларининг саломатлигини тиклаш, ота-онанинг шахсий намунаси, фарзандларни муайян касбга қизи-қишини ҳисобга олган ҳолда уларга ижтимоий мўлжални тўғри олишга кўмаклашиш, боғча-оила-мактаб ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, шарқона оила этикасини тиклаш анна шундай муаммолар туркумига киради. Ҳар бир оилада олиб борилаётган тарбия давлат, жамият томонидан белгиланган вазифалар, мақсадлар билан

муштарак бўлмоғи лозим. Ана шундагина, Президент И.Каримов таъкидлаганидек «фарзандларимиз биздан кўра кучли, биздан кўра ақлли ва албатта биздан кўра бахтли бўлишади».

А д а б и ё т л а р:

1. Каримов И.А. Оила фаровонлиги-миллат фаровонлиги. 6- жилд. Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т.: Ўзбекистон, 2000.
3. Фитрат А. Оила. Т.: Шарқ, 1998.
4. Воликова Т. В. Учитель и семья. М. 1980.
5. Красовский А. С. Будуҳий мут и отец. Минск, 1986.
6. Каримова. О. А. Оила, фарзанд ва жамият. Т. 1991.
7. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т. 2000.
8. Мунавваров А. Оила педагогикаси. Т. 1994.
9. Саидов Р. С. Оила бир гулшанки .Т. 1996.
11. Юсупов Э. Ю. Оила-маънавият булоғи. Т. 2003.
12. Узоқов Х. У. Оила ахлоқи ва одоби. Т. 1995.
13. Узоқов Х. У. Оила этикаси ва психологияси. Т. 1992.
14. Чориев А. Инсон фалсафаси. Мустақил шахс. Иккинчи китоб. Т.: Чинор, 2001.

М у н д а р и ж а :

Кириш.....	3
1-§. Оила, унинг мазмуни, функцияси ва таркиби.....	5
2-§. Бозор муносабатлари шароитида оиладаги эркак ва аёл ижтимоий функцияларининг ўзгариши.....	9
3-§. Оиланинг тарбиявий таъсирини ошириш йўллари.....	15
Фойдаланилган адабиётлар.....	22